

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш натижадорлиги ва бу йўналишдаги устувор вазифаларга бағишланган йўғилиш ўтказди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш мақсади ҳам белгиланган. Шунга мувофиқ, жорий йил 14 январда Президентимизнинг "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Ўтган қарийб бир йил мобайнида корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини самарали бошқариш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 2819 та давлат иштирокидаги корхона мавжуд. Уларнинг аксарияти эски усулда, самарасиз ишлагани сабабли ҳатто дивиденд тўлаи олмайди.

Президент бу ҳолатни жиддий танқид қилди. – Давлат иштирокини ҳеч зарурат бўлмаган соҳаларда ҳам сақлаб турибмиз. Давлат корхоналарини бошқариш, фаолияти самарасини ошириш, уларнинг функцияларини хусусий секторга бериш бўйича ҳали сезиларли ўзгаришлар бўлмади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, йўғилишда 2020 йилда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш бўйича янги вазифалар белгиланди. Аввало, бундай корхоналар

ни ислоҳ қилиш ёки тугатиш, сақлаш ёки хусусий секторга бериш масаласини ўрганиш бўйича Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари бошчилигида ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Жумладан, ахборот технологиялари соҳасида 140 та корхона, ҳудудлардаги коммунал, қурилиш ва хизмат кўрсатиш субъектларига тегишли 1573 та, геология, металлургия, молия ташкилотлари бўйича 137 та, енгил саноат, машинасозлик ва электротехника тармоқларида 49 та, ижтимоий соҳа, туризм ва фармацевтика йўналишларида 449 та, кимё, нефть-газ, энергетика соҳаларида 42 та, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғида 330 та, саноат зоналарида 99 та корхона бўйича алоҳида ишчи

гуруҳлар тузилиб, уларнинг ҳар бирига молия вазири ўринбосарлари бириктирилди.

Ишчи гуруҳларга бир ой муддатда ҳар бир корхонани тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг рентабеллиги, ҳозирги қуввати ва истиқболини таҳлил қилган ҳолда, 2020 йилга мўлжалланган аниқ режа ва тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Кўплаб компаниялар молиявий ҳисобот юритиш, ички назорат ва аудит ўтказиш, бошқарувга мустақил аъзоларни киритиш каби масалаларда оқсаётгани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга мазкур компанияларда корпоратив бошқарувни кенг жорий этиш, базавий соҳалардаги 32 та йirik корхонани ислоҳ қилишни жадаллаштириш бўйича топ-

шириқлар берилди.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари – KPI (Key Performance Indicators) ҳар бир корхонада ишлаб чиқилиши ва мунтазам назорат қилиниши лозимлиги таъкидланди. Давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиши ва бюджетга ўтказилишини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Транспорт вазирлигида Лойиҳа офиси тузиб, ушбу соҳадаги корхоналарга хусусий секторни жалб этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Хусусийлаштиришга оид ёндашувларни тубдан янгиллаш, халқаро экспертларни жалб этиб, бу борада бозор иқтисодиётига хос ва мос тизимга ўтиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, давлат иштирокидаги корхоналар раҳбарларини шу борада ўқитиш муҳимлиги қайд этилди.

Йўғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА



НУКУСДА ҲАМ ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида 11 декабрь куни Президент мактабининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М.Ерниязов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Шерматов, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси А.Саъдуллаев, Ижод ва иختисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директори С.Бобоҳўжаев ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим соҳасини ислоҳ қилиш, қобилиятли болаларни қўллаб-қувватлаш, улар учун шарт-шароитлар яратиш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Таъкидланганидек, халқимизга хос фазилатлардан бири фарзанд тарбияси, унинг етуқлиги, бахт-саодати учун яшаш ҳамда меҳнат қилишдир. Зеро, ўғил-қизининг ютуқларини кўриш ота-она учун улкан бахт.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари, йirik лойиҳалар билан танишиш мақсадида 2018 йилнинг 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифида барча соҳалар каби таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, юртимизнинг ҳар бир ҳудудда биттадан янги типдаги Президент мактабларини ташкил этиш, бунини Қорақалпоғистондан – Нукус шаҳридан бошлашни тақлиф этган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги "Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида бугунги кунда Тошкент, Наманган, Хива шаҳарларида бўлгани каби Нукус шаҳрида Президент мактаби очилди.

Мактабда биринчи кўнғироқ чалиниб, дастлабки дарслар бошланди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур мактаб қурилиши учун маҳаллий бюджетдан 67 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хусусан, замонавий лойиҳа асосида 168 ўринга мўлжалланган икки қаватли ўқув биноси, шунча ўринга мўлжалланган уч қаватли ётоқхона, барча қулайликларга эга меҳмонхона, спорт заллари, бассейн, ошхона, дарсхоналар ўқувчиларга хизмат қилади. Барча зарур жиҳозлар Хитой ва Туркиядан келтирилди.

Мактабда ўқув жараёнлари қорақалпоқ, ўзбек тилларида, шунингдек, STEAM таълим дастури асосида олиб борилади. Математика, физика, кимё, биология ва ахборот технологиялари фанлари Буюк Британиянинг Cambridge University ташкилоти дастури асосида инглиз тилида ўқитилади. Маҳаллий ўқитувчилар билан бирга Кениядан, Буюк Британиядан ва Жанубий Африкадан саккиз нафар мутахассис тақлиф этилди.

Жорий йилда мактабга 7 минг 500 ўқувчи ҳужжат топширган бўлса, шундан иқтидорли 144 ўқувчи Кембридж университети халқаро имтиҳон бўлимининг таърибали мутахассислари томонидан танлаб олинди. Ҳар бир синфда икки гуруҳга бўлинган ҳолда 12 ўқувчидан жами 24 ўқувчи билим олади.

– Ушбу ўқувчилар сафида мактабга қабул қилинганидан хурсандман, – дейди Амударё туманидан Шахриёр Шомуродов. – Бу ерда чуқур билим олишимиз учун барча шароитлар яратилган. Келгусида Президентимиз бизга билдирган ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан.

Тадбир қатнашчилари Президент мактабда ўқувчилар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йигирма бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси 2019 йил 14 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 13 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсесида рўйхатга олинади.



ТОШКЕНТДА ЭРОН МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Пойтахтимизда ташкил этиладиган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Эрон ҳукуматларaro комиссиясининг навбатдаги мажлиси доирасида ўтказилаётган иختисослашган кўргазмада Эрон Исломи Республикасининг 30 га яқин йirik компаниялари таркибига кирувчи 100 дан зиёд бизнес субъектлари вакиллари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Мамлакатимизнинг янги-ланган ташқи сиёсати доирасида Ўзбекистон – Эрон муносабатларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг натижасида ўзаро алоқаларда барқарор ривожланиш кузатилмоқда. Жорий йилда икки томонлама савдо айланмаси ҳамми ўтган йилга нисбатан 132,9 фоизга ортгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Эрон маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг иختисослашган кўргазмаси очилишида Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари Фурқат

Рахимов, Эрон Исломи Республикасининг саноат, конлар ва савдо вазири ўринбосари, Эрон экспортни ривожлантириш ташкилоти раиси Ҳамид Зодбум сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги дўстона алоқалар тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу эса ҳамкорликни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш ва уни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



КЛАСТЕР

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЛОКОМОТИВИ



УЛУГБЕК СОТИБОЛДИЕВ,
Мирзаобод туманидаги "Бек кластер" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона раҳбари,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси.

Кластер тизими қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бунини "Бек кластер" қўшма корхонаси жамоаси қўлга киритаётган ютуқлар мисолида ҳам аниқ кўриш мумкин. Иқтисодиётдаги янги тузилмаимиз Президентимизнинг 2017 йил 15 сентябрдаги "Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Японияликлар Булоқбоши майизига харидор

**"ДўЛНАЛИК БОҒБОН МЕВАСИ" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА
БОШЛАНГАН ХАЙРЛИ ИШ БОИС АНДИЖОНДА ЕТИШТИРИЛГАН
МАЙИЗ ЎЗБЕКИСТОН БРЕНДИГА АЙЛАНДИ**

Қора ва оқ майиз кеча кашф қилинмаган. Водийда "Офтоби", воҳада эса "Сояки" усулида майиз тайёрлаш анъанавий тус олганлиги маълум. Замонлар ва одамлар ўзгариши сабаб айнан Андижонда майиз тайёрлаш кўпчилигининг ёдидан кўтарилди. Тўғри, жойларда ҳозирга қадар "Офтоби" усулида қора ва оқ кишимшидан майиз тайёрланаётганлигида гувоҳ бўламиз. Бироқ, унинг барчаси бозорга чиқарилмайди ва томорқа эгалари ўз эҳтиёжлари учун ишлатишади.

Булоқбошилик соҳибкор Ҳабибullo Назаров фермерлар авлодидан. Боғбончилик ва соҳибкорлик касбини ўз даврида улуглаб, эл назарига тушган Незъматилло Назаровнинг фарзанди бўлмиш Ҳабибullo республикамизнинг бир қатор ҳудудларидаги ҳамкасблари билан ўртоқлашар экан, майиз тайёрлашни ўзлаштириш ва омма-лаштиришни ўз олдига мақсад қилиб олди.

(Давоми 3-саҳифада)

Муносабат

Қонун устуворлиги =

жамият ривожининг бош омили

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини телевизор орқали тинглаб, қалбим қувончу ҳаяжонга тўлди.

Амир АЗИМОВ, Халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгаши депутати

Давлатимиз раҳбари бутун Ўзбекистон аҳлини Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 27 йиллиги билан самимий кутлар экан, мамлакатимизда қонун устуворлиги ҳар нарсадан муҳим эканлиги, ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови Конституция билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Албатта, Конституция ва қонун устуворлиги фаровон ҳаётимиз гарови бўлмоқда. Президентимиз ушбу маърузасида бу тушунчанинг мазмун-моҳиятига ҳам алоҳида тўхталиб, юртимиз ҳудудларида қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонун бузилишларининг салбий оқибатларига қарши биргаликда курашиш барчамизнинг олдимизда турган муҳим вазифа эканлигига алоҳида урғу бериб ўтдилар. Шунингдек, бу борада ўз фикр-қарашларини, тавсияларини бердилар.

Маълумки, жамоатчилик назорати фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир. Бугунги кунда фуқароларнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан масъулият ва дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганини инобатга олиб, жамиятда жамоатчилик назоратини янада кучайтириш ҳам давр талабидир.

Президентимиз мазкур маърузасида ана шу масалага ҳам алоҳида тўхталиб, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси келгуси йилда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан тизimini яратишга бош-қош бўлиши керак, деган ташаббусни илгари сурдилар. Албатта, Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб, бундан бундан ушбу ташкилотлар бевосита оммавий ахборот воситалари билан биргаликда, қолaversа, юртимизда фаолият кўрсатаётган бошқа ташкилот ва муассасалар ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратган ҳолда иш олиб борадилар ва жамиятимизнинг ҳар томонлама ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшадилар.

Бундан ташқари, Президентимиз ушбу маърузасида суд-ҳуқук тизимидаги иш жараёнлари, боғча ва бошқа таълим муассасалари қабул қилиш жараёнидаги муаммоларни бартараф этиш, юксак масъулият ҳисси, қонунларга ҳурмат ва аҳолининг жамият, давлат ҳаётига дахлдорлик туйғусини ошириш борасида ҳам амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар ҳақида ўзининг танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар, унга кенг жамоатчилик эътиборини қаратдилар.

Уйлайманки, мазкур маърузада барча соҳаларни қамраб олган ҳолда айтилган ҳар бир фикр, илгари сурилган илгор ва ҳаётбахш ғоялар бизнинг фаолиятимизда асосий дастуриламал бўлади, ҳар жабҳада ҳаётий ширимизга айланади. Зеро, қонунлар устуворлиги – адолат мезони, шу билан бирга жамият ривожидидаги бош омилдир.



ТОШКЕНТДА ЭРОН МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу анқуман эронлик тадбиркорларнинг Ўзбекистон бозорига, шунингдек, икки халқнинг ўзаро манфаатли савдо алоқаларини кенг йўлга қўйишга бўлган қизиқиши, интилиши натижаси ўлароқ ташкил этилди.

– Давлатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, маданий, илмий ва бошқа соҳаларда ривожланиб бораётган алоқалар бугунги учрашувларни ташкил этишга замин яратди, – дейди Ҳамид Зодбуми. – Бундай кўргазмалар ўзаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги таширфимиз доирасида режалаштирилган тадбирлардан катта натижалар кутаямиз. Барча учрашувлар ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз, ўз навбатида, Ўзбекистонлик ишбилармонлари Эронда кўргазма ташкил этишга таклиф этиб қоламиз.

Кўргазмада нефть-газ, энергетика, экология, қончилик, хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олган “Эроннинг саноат лойиҳаларини бошқариш” компанияси, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган “Эрон саноатини ривожлантириш ва янгилаш ташкилоти”, шунингдек, тўқимачиликка ихтисослашган, нефть ва газ корхоналари учун қувурлар, цемент, оғир ва махсус пўлат проширлар, йўл-қурилиш ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар, асфальт ва бетон заводлари ўз маҳсулотлари билан қатнашаёпти.

Кўргазма якунида имзоланган келишув ва шартномалар Ўзбекистон – Эрон савдо-иқтисодий ҳамкорлигини тобора мустаҳкамлаб, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги бизнес муносабатларини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ, ЎЗАМ мухбири.

(Боши 1-саҳифада)


Биз Мирзаобод ва Ховос туманларидаги камунум ва ташлаңдиқ экин майдонларини қабул қилишимиз ҳамано ўтган йилнинг ўзидаёқ инновацион технологияларни қўллаб, ишга илмий жиҳатдан ёндашишни асосий мақсад қилиб қўйдик. Шу тариқа экин майдонларимизда тупроқшунослик институти билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини олиб бордик. Аввало, тупроқ таркибини яхшилаш мақсадида гипсни ёриб, экин чуқур илдиз отишига катта имкониятлар яратилди. Ерни текислашда лазерли техника воситаларидан тўла қувватда фойдаландик. Яхоб бериш, мелиоратив тадбирлар ҳам пухта ва изчил бажарилиши доимий эътиборимизда бўлди.

Энг аҳамиятлиси, қишлоқ хўжалиги тузилмаларида 3000 гектарлик хўжалик шаклини жорий этдик. Ҳар бир бригаданинг 10-12 нафар аъзоси бор. Уларга йил давомида ойма-ой маош тўлаб борамиз. Боз устига, бепул тушлик йўлга қўйилган. Моддий манфаатдорлик ва ерга муносабат ўзгариши натижасида ўтган йили пахта ҳосилдорлигини ўртача 7,5 центнерга, жорий йилда эса 9,5 центнерга оширдик. Баъзи бригадаларда ҳосилдорлик икки йил ичида 12-15 центнерга ўсди. Жорий йилда ҳам кластер тизимида иш усули ташкил қилинган Мирзаобод ва Ховос туманларида октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигидаёқ шартнома режалари ортиги билан бажарилди. Мирзаобод туманида корхонамизга топширилган қарийб 28 минг тоннадан зиёд хомашёнинг 16 минг тоннадан кўпроги машиналар ёрдамида териб олинди. Ховос туманида уюлган 14 минг тоннадан ошқ ҳосилни ҳам қўшиб ҳисоблаганда ялли хирмонимиз 42 минг тоннадан ошди. Етиштирилган ҳосил кластернинг ўзида қурилган корхонада тўлиқ қайта ишланмоқда. Экин майдонларимиз бал бонитети пастлиги боис 2018 йилдан бошлаб ҳар йили 3 минг гектар майдонда “яшил ўғит” боп экинларни ўстириш тажрибасини фаол кўрляямиз.

Уруғлик олиш учун Сербиядан келтирилган бугдой, арпа, сули, тритикале, жавдар ва рапснинг серҳосил навларини экиб, кўпайтиряпмиз. Келгусида ярим алмашлаб экиш тизимини жорий этамиз. Қатор ҳудудларда чигит билан соянинг эртапишир нави аралаштириб ерга сегилади.

Туркия технологияси асосида 300 гектар майдонда томчилатиб сугориш тизимини қўллаяпмиз. Бу эса сувни тежаш билан бирга оддий сугоришдаги усулдан майдонларда 1,5 баравар кўп ҳосил етиштириш имконини бераётди. Қишлоқ хўжалиги техникалари бошқарувини тўлиқ компьютерга ўтказиш чораларини кўраямиз. Шу ниятда АҚШ компанияси билан шартномалар тузганмиз. Янги технологиянинг афзаллиги синовдан яхши ўтапти. Пахта, галла уруғчилиги селекцияси бўйича бўлимлар ташкил қилдик. Ушбу лойиҳа рўёби самарасида кластеримизда уруғликда бўлган талаб тўлиқ қопланади, ортиқчасини бошқа фермерлик жамоаларига реализация қиламиз.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табриқларида “Жонажон Ўзбекистонимизни тараққиётнинг янги босқичларига кўтариш вазифаси ва жаҳон-



КЛАСТЕР

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЛОКОМОТИВИ

да озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошиб бораётгани аграр соҳани тубдан ислоҳ қилишни, унга бозор механизмлари, айниқса, инновацион ва тежамкор технологияларни, инвестицияларни кенг жалб қилишни тақозо этмоқда”, дея олдимизга янада улугвор вазифаларни қўйдилар. Биз бундан кўчур хис этган ҳолда 1500 гектар майдонда балкичилик кластерини ташкил этиш ишларини бошлаб юбордик. Жанубий Корея технологияси асосида 100 гектар майдонда иссиқхона ташкил қилдик. Ҳо-



зири иссиқхонанинг 36 гектарига ҳосил етиштирилмоқда. Бундан ташқари, 200 гектар ерда анорзор, 200 гектар майдонда замонавий тоқзорлар яратиш ишларини давом эттиряпмиз. Яқинда эса иссиқхоналар учун металл конструкциялар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширдик. Бу 10-сотишли, куёш нури билан ишчи тиладиган “Ижтимоий иссиқхона мажмуаси” лойиҳасини кластеримизда тўла амалга ошириш, аҳоли хонадонларида шундай иссиқхоналарни кўпайтиришда

муҳим роль ўйнайди.

Маҳсулот етиштиришдан бошлаб уни қайта ишлаш, тайёр кийим-кечак қилиб сотишгача бўлган жараёни ўзида бирлаштирган кластер тизимини қишлоқ хўжалигининг локомотиви, дейиш мумкин. Ҳозир кластеримиз таркибида 13 та корхона фаолият кўрсатаяпти. Иккитаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилган бўлса, учтасида момиқ, газлама, кийим-кечак тайёрланаётди. Яна учта кластер тизимидаги корхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кенг йўлга қўйилган. Буларга қўшимча тайёр маҳсулотлар савдоси, пахта тозалаш заводи ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи субъектларимиз ҳам бор. Бу шу ернинг ўзида етиштирилган маҳсулотни тўла қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш ва уларни экспорт қилиш, демакдир. Юрбошимизнинг таъбибустари билан бундидан “Ижтимоий иссиқхона мажмуаси” лойиҳасини кластеримизда тўла амалга ошириш, аҳоли хонадонларида шундай иссиқхоналарни кўпайтиришда

Фидойиларимиз

Меҳнат билан қадри баланд

Яшаётган ҳар бир кунимиз аслида шундай улғ бир неъмат ва бизга берилган улкан имконият-ки баъзан бунинг асл моҳиятини тушуниб етмай ҳам қоламиз. Умримизнинг ярмидан кўпи аразлар, гиналар, аризмас икир-чикирлар билан ўтиб кетаётганини баъзан сезмай ҳам қоламиз. Гўёки бу омонат дунёга бизни бир умрга боғлаб қўйишгандай. Аслида ҳаёт шамчирғоғини атиги бир марта ёқиб кетамиз. Биздан ёрғу ва нури из ёки кўзга кўринмас майда учқунларгина қолиб кетади...

83 ёшнинг 65 йилини ёшларга билим беришга бағишлаган Маъмур ота Сафаров ўз қўллари билан мактаб куриш ишларига бош-қош бўлган, мактаб биноси ҳам бўлмаган қишлоқда одамларнинг уйда, кимнингдир ошхонасида боринг-ки, бўш турган биноларда маърифат зиёси таратишни ўзининг бурчи деб билган инсон.

У Зомин туманининг чекка бир қишлоғидаги 37-сонли бошланғич умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб иш бошлаган. Ҳа, давр тақозоси билан у ҳали олий таълим муассасасида ўқимай туриб ҳам икки йил шу мактабда фаолият юритган.

Сиртдан ўқиш билан бирга туман марказидан 5 километр узоқда жойлашган Лайлак уя қишлоғидаги 7 йиллик мактабга ишга ўтди. Аслида ўша вақтларда бу қишлоқда мактабнинг ўз биноси ҳам мавжуд бўлмаган. Дарслар юқорида айтиб ўтганимдек одамларнинг уйларида, бўш турган иморатларда олиб борилган. Дарслар ўтиб бўлинганидан сўнг ота бошчилигида барча ўқитувчилар ҳашар йўли билан мактаб биносининг қурилишида ишлашган.

Дастлаб мактабнинг 2 та хонаси қуриб битказилган. Қурувчи-ўқитувчиларга бош бўлган М.Сафаров шундай қилиб 16-сонли тўлиққисм ўрта мактаб жамоаси билан бирга-

лиқда ҳар йили битта, иккита синф хоналарининг қурилишини тугаллаб, қарийб 6 йил давомида мослама типдаги мактаб мажмуасига эга бўлганлар. Жами 10 та синф хонани ишга тушириб, бир неча шараитлар бисёр қилинган, яъни 1972 йилда халқ таълими бўлими томонидан ҳам 2 та синф хонаси ва қўшимча зал қуриб фойдаланишга топширилган. Туман халқ таълими бўлими қурилиш материаллари билан таъминлаб турса-да, қурилиш ишларининг барчасини Маъмур отанин ўзи ҳам уста, ҳам ташкилотчи сифатида ўқитувчилар жамоаси ҳамжиҳатлигида ҳашар йўли билан амалга оширди.

Ота бошчилигида тамал тоши қўйилган 16-сонли умумтаълим мактаб биноси қарийб 51 йил қишлоқ фарзандларининг билимли бўлишига хизмат қилди. Оддийгина, ғарибгина мактаб биносидан не-не қимматли шахслар етишиб чиқди ва улар бугун халқ хизматида камарбаста.

Маъмур Сафаровнинг ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитиш бўйича услубий қўлланмалари оммалаштирилди. 1990 йилда “Халқ таълими аълочили” кўкрак нишонин билан тақдирланган ота, 2000 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвонига мушарраф бўлди. 2017 йилда эса

“Меҳнат фахрийси” унвони билан тақдирланди.

Кадрлар етишмаслиги туфайли ва ўқитувчининг бой тажрибаси, мустаҳкам билиминини, илмий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда М.Сафаров 2001 йилда тумандаги 64-сонли умумтаълим мактабига ишга юборилди. 10 йил давомида бу мактабда фаолият юритди. Шу билан бирга сўнгги ўн йилликда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига аёло ўқиши ва намунали хулқи учун ўз ҳисобидан “Маъмур Сафаров” стипендиясини жорий қилди. Эзгу ишларини давом эттирган ҳолда битирувчи синф ўқувчилари учун қўшимча машгулотлар олиб борди.

Маъмур ота тамал тошини қўйишга бош бўлган мактаб эса 2008 йилда бузилиб, унинг ўрнида замонавий, икки қаватли бино қад ростлади.

Отанин шогирдлари қаторида фан докторлари ва профессорларнинг борлиги, халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётган юзлаб раҳбар кадрларнинг етишиб чиқганининг ўзи аслида инсон учун улғ муроқотдир.

– Инсон боши – соининг тоши, – дейди ота. – Ўтган ҳаёт йўлларимга назар солар эканман, унинг ҳар бир саҳифасида фақат меҳнат, ўқиш, интилиш, ўргатиш, бориға қаноат қилиб, шукрона келтириб, яшаганимга ҳечам афсусланмайман.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондай сеvimли юрдада туғилиш ва яшашнинг ўзи улғ бир неъматдир. Маъмур ота каби фидойи ва меҳнаткаш инсонларнинг ён-атрофимизда борлиги эса, яшашнинг маъносини, ҳаётнинг мазмунини, умрининг нечоғлик гўзал эканлигини англаб туради.

Гуличехра ДУРДИЕВА



Футбол мусобақаси давлатимиз маҳияси савдолари остида ўтади

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Давлат маҳияси тўғрисида”ги қонун қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишлаб футбол мусобақаси ўтказилди.

2007 ҳамда 2009-йилда туғилган ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақада Учтепа тумани 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, “Хондамир” маҳалла фуқаролар йиғини ва 38-умумтаълим мактабининг 12-13 ҳамда 10-11 ёшли ёш футболчилардан иборат жамоалари, жами 6 та жамоа иштирок этди.

38-умумтаълим мактаби стадионида бўлиб ўтган мусобақа Давлатимиз маҳияси савдолари билан бошланди. Ҳар икки ёш тоифасидаги беллашувлар кизгин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди.

Узаро ўйин натижаларига кўра, 2007 йилда туғилган жамоалар ўртасидаги беллашувда финалға “Хондамир” маҳалласи ва Учтепа тумани 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 2009-йилда туғилган ёшлар ўртасида эса 38-умумтаълим мактаби ва Учтепа тумани 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоалари йўл олишди.


12-13 ёшлилар баҳсининг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилиб, голиб пеналтилар сериясида аниқланди. Мазкур омад баҳсида “Хондамир” маҳалласи жамоасига омад қилиб боқиб, рақибларини 2:1 ҳисобида доғда қолдирди.

10-11 ёшлилар баҳсида эса 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби рақибларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мусобақа голибигини қўлга киритди.

Мусобақа голиб ва совриндорлари эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (сурат), ЎЗА

Японияликлар Булоқбоши майизига харидор



териб чиқилди. 4 октябрь куни япониялик харидорлар назорат тартибидан яна бир бор Булоқбошига ташриф буюришди. Ҳар бир дона узумдаги губорлар сабаби ҳақида меҳмонлар фермердан сўрашди. Боғдорчилик борасида олий таълим олган, миришкор ҳамкасблари билан доимий мулоқотда бўлиб турадиган Ҳабибулло губор узумдаги биологик фаолликни сақловчи восита эканлигини илмий жиҳатдан тушунтириб бердики, меҳмонлар бундан мамнун бўлишди.

Ўртада буюртмачи компания вакили бир неча бор Булоқбошига ташриф буюрди ва олдиндан тахминий тарзда 1,5 тонна қора майиз хариди учун 9 минг АҚШ долларини ҳужалик ҳисоб рақамига ўтказиб қўйди. Орада Ҳабибулло харидор компания таклифи билан Япония сафарига бўлди.

Майиз сифати бозорбop эканлигига ишонч ҳосил қилган тадбиркор фермер бу ҳақда пойтахтдаги ҳамкасбларига билдирди. Орадан кўп ўтмай Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари Ҳабибулло Назаровни сўраб-сўраб топилди ва илк бор тажриба сифатида тайёрланган майиз намунаси билан кўп сикимини ўзлари билан олиб кетишди.

сифатида қабул қилибди. Кунчиқар мамлакатда 500 килограмм майиз билан кўплаб савдо компанияларининг назари тушган Ҳабибуллога буюртмалар келиши кўлайди. Айтишимиз жоизки, халқаро бозорга, айниқса, ўзига тўқ давлатларга қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини

экспорт қилиш шунчаки иш эмас. Талаблари бир дунё бўлади. Ана шу мезонга лойик топилаган Андижон майизининг эртаси борлигини тушуниш вақти келди.

Куз бошида энгил конструкция асосида барпо этилган жойга ипларга маржондек қилиб узум

Хорижлик харидорларнинг ишончини оқлаш учун ҳали кўп иш қилиш кераклигини фермер англаб етмоқда. Қайта-қайта ҳисоб-китоблардан сўнг фермер 10 гектарлик яхлит майдонда майизбop ток парвариш қилиш билан боғлиқ лойиҳа устида бош қотирмоқда ва тегишли идоралар билан масаланинг ечими устида ишламоқда.

“Сўғдиёна” навли майизбop токнинг ҳар гектари 32 тоннагача ҳосил бера олади. Бу 6 тонна майиз демакдир. Вилоятда узум етиштириш учун табиий муҳит мавжуд. Асака, Марҳамат, Булоқбоши, Хўжаобод, Жалақудуқ, Қўрғонтепа ва Пахтабод туманларида айнан узум етиштиришга мос майдонлар кўп. Афсуски, уларнинг аксариятининг ҳозирча эгаси топилмапти.

3 тонна майиз ва унинг ҳар килоси ташқи бозорда улгуржи нархи 6 АҚШ доллари эканлигини инобатга олсак, фермерлар, тадбиркорларнинг минг-минглаб ишчи ўринлари кўз олдимизда намoён бўлади.

— 8 тонна узумни идишларга жойлаб хориж бозорига чиқариш тайёрловчи олдига кўплаб қийинчиликларни рўпара қилади, — дейди Ҳабибулло Назаров. — Америкада ҳам, Ҳиндистонда ҳам узум етиштирувчи фермерлар тўғридан-тўғри логистика марказлари билан алоқада бўлишди. Иш жараёнларини кузатиб ҳавасимиз келди... Негаки биз бўлган жойларда фермер фақат махсулот етиштириш билан банд.

Қобилжон АҚҚАРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқ деган нарсга ҳаммани ижодкор, файласуф қилиб қўйди. Булар ичида ўзим ҳам борман. Бугун воқелик юз берди, дегунча ҳамма шарҳлай бошлайди. Гарчанд шу юз берган воқеликка ўз ҳаётида биринчи рўбарў келатган бўлса-да.

Ҳайвонлар паспорти

У АСЛИДА АСКИЯ ЭМАС, ЗАРУРИЯТ

Бугунги кунда мамлакатимизда уй ҳайвонларини ҳужжат, яъни ветеренария паспорти асосида сақлашни йўлга қўйиш ҳақида гап кетаяпти. Шубҳасиз, бу борада қанча мутахассису мутасаддилар ўйлагандир? Улар бунинг самараси, бошқа томонлари ҳақида фикрлашгандир? Энг муҳими, буни жорий этишга сабаблар бўлгандир? Бўлмаса, ўз-ўзидан нега? Аммо бу ҳақда кулгусевар интернетчиларимиз чунонам аскияни бошлаб юборишдики, қўшилишиб кулишдан ўзга чора қолмади.

Аммо бунинг фойда-зарарини ҳеч ким таҳлил қилмади. Тўғри, буни йўлга қўйишда ўйлаб кўрадиган ҳолатлар бордир? Чунончи, молларнинг, айниқса, майда туёқли молларнинг қўлма-қўл бўлиб юришини инобатга олсак, бу ишни йўлга қўйишда муаммолар кам эмас. Бу табиий, аммо бу тадбирни аския қилаётган дўстларимизнинг биронтаси ҳайвонларни сақлаш билан боғлиқ муаммоларни унинг ичига қириброқ бирон марта таҳлил қилганими? Аввало, бу ўша аскиябозлар айтаётганидек, молнинг шахсини тасдиқловчи эмас, унинг соғлиги борасидаги маълумотларни акс эттирувчи ҳужжат.

Мен ўзим чорвачилик билан, гўшт маҳсулоти олдидан-солдидан билан шуғулланган одамман. Ўзимнинг тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, аҳолидаги уй ҳайвонлари ҳисоб-китобининг йўқлиги, уларга расман соғлиги ҳақидаги паспорт берилмаганлиги оқибатини айтсам балки ваҳимали фильмга лойиҳа бўлади.

Бу ўринда бўладиган салбий ҳолатлар, қолаверса, пул илинжидаги ноинсофликлар бориб инсон саломатлигининг йўқотилишига, хусусан, инсон ўлимига олиб келатганлиги бугун кимга сир? Тасаввур қилиш учун айтаман, яқинда бир эгасиз қутурган ит қишлоққа оралаб қирқдан ортқ уй ҳайвонини тишлабди. Энди тасаввур қилинг, кимнинг уйда уй ҳайвони бор ва у нечта? Бунинг ҳисоб-китоби йўқ. Кимдир ит тишлаган молни яширган. (Ахир ўласиз йигучиям бор-да.) Кимдир ўлган молни ўзича кўмиб ташлаган. (Уни бошқа ҳайвон очиб ейиши эсида йўқ.) Кимдир эса ҳалигача хавфли касаллик юқтирган молни оғилхонада беркитиб ўтирибди. Мана, сизга аскиябозлик! Демак молнинг мавжудлигини, соғлигини ҳисобга олиш керак. Шунда касал молни аниқлаш осон бўлади. Қолаверса, мол қўлдан қўлга ўтганда унинг ёши, соғлиги ҳақида билсангиз бунинг нимаси аския бўлди? Қолаверса, мол ўғирлиги ҳолатлари ҳам айнан шундай ҳужжат маълум даражада чек қўймайдими?

Ахир, ҳайвон сақлашнинг дунёвий қоидалари нега бизга кулги бўлиши керак? Нима, биз гўшт экспорт қилмаймизми? Турли ҳайвонлар турини кўпайтириб бизнес қилмаймизми?

Хуллас, менинг ҳаётдан олган хулосам шу: тадбирдан кулгу эмас, мантқиқ излаш керак.

Зафар ПўЛАТОВ

Инсон саломатлигини сақлашнинг энг маъқул йўли касалликнинг олдини олиш эканлиги тўғрисида донишмандлар қадимдан одамларни оголантириб келадилар. Аммо барчамиз бу қондага амал қила олмаймиз. Кимдир овқатланмиш, яна кимдир гигиена қоидаларини бузиб қўяди. Кўпинча иш билан банд бўлиб режими амал қилмайди. Натижанда касаллик танамизга қандай келиб қолганлигини сезмай қоламиз. Шундай вақтда ким бўлишдан қатъий назорат шифокор хузурига боришга мажбур бўлади.



Рентгенчи шифокор

Одам танасида минг-минглаб касаллик турлари мавжуд бўлганлигидан ҳамма мутахассис ҳам унинг қайси бири хуруж қилаётганлигини аниқлаб олиши қийин. Мана шундай ҳолатда ташхис қўйишда шифокорга ёрдам берувчи воситаларга мурожаат қилинади. Касалликни аниқлашда қон босими ва ҳароратни ўлчаш, қон ва чиқиндилар таркибини таҳлил қилиш билан биргаликда рентген текшируви муҳим ўрин тутди.

Немис физиги Вельгельм Рентген 1895 йилда кашф қилган нурлар фанга жуда катта янгилик бўлиб кириб келди. Муаллиф бу нурларни X-нурлар деб атади. Ҳар қандай қаттиқ жисмини тешиб ўтадиган бу нурлар ўзининг турли соҳаларда кенг фойдаланиш имкониятларга эга эканлигини намoён қила олди. Шу соҳалардан бири тиббиёт бўлиб, беморларга ташхис қўйишда жуда кўл келадиган бу нурларни кейинчалик рентген нурлари, деб аташ рўсум бўлди.

Самарқанд тиббиёт олийгоҳини 1973 йилда тамомлаган Ғуломиддин Муҳиддинов пойтахтдаги онкология ва радиология илмий марказида интернатура ўтаб рентген қурилмаларидан фойдаланиш ва ташхис қўйиш сирларини ўрганди. Кейинги амалий кўникмаларини Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани марказий шифохонаси қошидаги рентген кабинетида кўп йиллик тажрибага эга бўлган Махфират Қаримова ёрдамида бойитди. Тор, қишда совуқ, зах хоналарда беморларни қабул қилиб уларга ташхис қўйиш осон иш эмасди. Асли Андижондан Ғузорга келин бўлиб келган Махфират опа ёш мутахассисни ўз фарзандидай қабул қилди ва билганларини эринмасдан ўргатди. Улар ўртасида ҳақиқий устоз-шогирд муносабатлари ўрнатилди. Ўз хизматлари эвазига катта орденлар билан тақдирланган М.Қаримова нафақага чиқиб, барча ишларни ўз шогирди зиммасига юклади. Интилувчан шифокор Ғ.Муҳиддинов марказий шифохонада меҳнат қилиб келатган ҳамкасблари билан ҳар бир беморга ташхис қўйишда маслаҳат қўриб иш тутишни ўрганди. Касаллик қаттиқ хуруж қилиб қолган кезлари шифокорлардан нажот сўраб келган инсонларга ташхис қўйишда травматологми, жароҳми, ички касалликлар мутахассисими албатта маслаҳат қилиб касалликка қарши чора қўриш йўлларини аниқлашди.

Турмуш ўртоғи Ҳурматой Самадова тумандаги болалар боғчаларида тарбиячилик қилди. Бир вақтлар ўз хонадонидан уй боғчаси ташкил қилган бу оиланинг иши билан танишиш мақсадида Халқаро ЮНИСЕФ ташкилотининг вакили ташриф буюрди. Ўнга яқин бола таълим-тарбия олаётган бу маскандаги ишларга қизиқиб қолган вакил тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун хонадонда тунаб қолади. Эрталаб тарбиячилари хузурига ошिकиб келатган жажжи болажонлар кела солиб ҳовлига сув сепиб, супуришни бошлаганини кўриб хорижлик меҳмон ҳайрон қолади ва буни таълим-тарбия деса бўлади, деган хулосасини билдиради. Олий тоифали мутахассис сифатида қирқ олти йилдан ортиқ элга хизмат қилиб келатган шифокор Ғ.Муҳиддинов ўз устида тимнай ишлайди. Бугунги кунда шифохонада беморларга рентген хизматини кўрсатиш учун замонавий, компьютерлашган асбоб-ускуналар ўрнатилди. Ўз шогирдлари, малакали лаборантлардан иборат кичик бўлсада, аҳил жамоаси билан халққа хизмат қилиш учун иш бўлиб туришди. Халқ тилида “рентгенчи шифокор”, деган номни муносиб оқлаб келаяпти.

Зокир ЖУМАЕВ

Божхоначилар фаолиятининг асосий мезони

Яқинда Давлат божхона қўмитаси раиси М.Азимов бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Сирдарё вилояти божхона бошқармасида оммавий қабуллар ва фуқаролар ҳамда тадбиркорлар билан жонли мулоқот ташкил қилинди.

Унда чегара-божхона постларининг орақали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар, товарлар экспорти ва импорти билан шуғулланиб келатган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг муаммолари масалалари, мурожаат ва таклифлари кўриб чиқилди.

Товар ва транспорт воситаларининг экспорти ва импорти жараёнида янада қўлайлиқлар яратиш, чегара-божхона постларида қўшимча шарт-шароитларни жорий этиш, божхона органларига ишга қабул қилиш каби масалалар қамраб олинди.

Оммавий қабул давомида

ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва фуқаролардан соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва ташаббуслар ҳам билдирилди.

Самимий ва очик мулоқотларда божхона органлари назорат қилувчи ташкилот эмас, аксинча тадбиркорнинг яқин ҳамкори эканлиги, шунингдек, товарлар экспорти ва импорти жараёнида уларга 24 соат давомида хизмат кўрсатишга шай эканлиги таъкидланди.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси матбуот хизмати

Санитария — САЛОМАТЛИК КАФОЛАТИ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 СЕНТЯБРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIYA XIZMATI TIZIMINI TUBDAN TAKOMILLASHTIRISH CHORA-TADBIRLARI TUGRISIDA”GI FARMONI QABUL QILINIB, HУJЖAT TIZIMDA ЯNGИ DAVRNI BOШЛАБ BЕРДИ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати хизмати ташкилотлари ва уларнинг ҳудудий бўлиналари негизда вазирлик хузурида фаолият кўрсатувчи Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциялари ва ҳудудий бўлиналарининг ташкил этилгани соҳа ривожига қўйилган муҳим қадам бўлди. Мухбиримиз вилоят Санитария эпидемиология-осойишталик маркази Бош врач Рустамжон Ҳамроқулов билан бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

— Фармонга кўра, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш, санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиена нормативларини (СанҚвАН) халқаро стандартлар ва нормаларга мувофиқ уйғунлаштириш ва долзарблигига қараб такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва жорий этиш, юқумли бўлмаган, юқумли, паразитар

касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган эпидемиология қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирлари ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, жамоат саломатлигини таъминлаш соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқарини жараёнида хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва илмий асосланган ёндашувлар асосида озиқ-овқат

хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга кўмаклашиш агентлигининг вазифаларига кирилади, — дейди Рустамжон Ҳамроқулов. — Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўлатнинг табиий ўчоқлари эпизоотологик мониторингини олиб боришни, ўлат ва ўта хавфли инфекциялар бўйича эпидемиологик назорат ҳамда профилактик ва эпидемиология қарши комплекс тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, санитария, гигиена, эпидемиология, паразитология, микробиология, вирусологиянинг долзарб масалалари бўйича истиқболли

Наманган вилояти

ни доимо эътиборли ва хушёр бўлишга ундайдиган оғриқли томонларимиздан бири аҳоли ўртасида овқатдан захарланиш ҳолатлари содир бўлишига йўл қўйилаётганлигидир. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, вилоятда ўтган уч йил мобайнида 14 та ана шундай ҳодиса юз берди, 223 нафар фуқаро соғлигини йўқотиб, жабр кўрди. Тиббиёт ходимлари ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларимизнинг самараси ўлароқ, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан бундай салбий ҳолатларнинг содир этилиши нисбатан камайди.

Чуст туманининг Ғова қишлоғидаги Қорасув кўчаси 79-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Назиржон Шаропов хонадонидан тўй учун тайёрланган, антисанитария ҳолатида узоқ муддат сақланган яхна таомни тановул қилган 18 нафар фуқаро 2019 йилнинг 21 сентябрь куни Чуст тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлимига ётқизилгани ҳам бизни янада хушёр бўлишга ундади.

Айни кунларда барча ҳудудларда вилоят ҳокимининг ўринбосари Фахриддин Маткаримов бошчилигида вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, ветеринария, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси ва масалага дахлдор бошқа ташкилотлар мутахассислари, кенг жамоатчилик иштирокида “Одамларни овқатдан оммавий захарланиш ҳамда бутулизм касаллигининг олдини олишда тегишли хизматлар куч ва воситаларининг ҳамкорлигидаги ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилмоқда.

Равшанбек МИРЗОАЛИМОВ ёзиб олди.

Кунлар совини билан барчамиз хоналарни иситиш мақсадида газ ва электр асбобларидан фойдаланамиз, лекин қай тарзда? Ораимизда носоз ёки қўлбала электр ва газ мосламаларни ишлатган ҳолда хонадонини қулга айлантириб, ўзлари ҳам қурбон бўлиб кетган инсонлар ҳам бор.

Газдан тўғри фойдаланинг!

Шу ўринда фуқароларимиз хавфсизлик қоидаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Газ ҳидини сезганда гугурт чақиш мумкин эмаслиги, газ қувурларини ўзбошимчалик билан газ плиталарига резина шланглар ёрдамида, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда улаб, хонадонини вайрон қилаётган инсонлар ҳам топилади. Бу эса ўзларининг моддий зарар кўришларига ва жиддий тан жароҳати олишларига сабаб бўлмоқда. Бундай асаббузарлик ва кўнгилсизлик бўлмаслиги учун газдан тўғри фойдаланиб, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг!

Бекзод БЕРДИЁРОВ,
Ўзбекистон
Миллий телерадио
компанияси
ДЭН инспектори, сафдор.

“Мени кечир...”

Эшик тақиллади. Очсам, челақчага оппоқ тухумлар солиб олган, саксон ёшга етиб қолган Роза опам!

— Ассалому алайкум, — деб кучоқ очдим мактабда биология фанидан сабоқ берган устозимга ҳаяжонимни зўра босиб. — Уйга кириб, аксига олиб, додам уйдасидилар...

— Мен додангинг олдимас, сенинг олдинга, сендан кечирим сўрагани келдим, Умида!..

Учинчи фарзандим туғилгач, бир муддат ишламай, уйда зерикиб ўтирган мендек жаҳонгашта журналиста устознинг гапи ғалати туюлди.

— Нима деяпсиз, Роза опажон! Мен кечирим сўрашим керак, Сиздан. Бундай вақт топиб, кўргани боролмайман ҳам...

Уйимиздан беш-олти бекат нарида яшайдиган Роза опам кулдилар.

— Мана, мен келдим, сени кўргани, кечирсанг бўлди! Кечирдим дегин...

— Одамни уялтирманг, устоз!

— Йўқ, сен жуда яхши биласан, нима ҳақда гапирётганимни!..

Ҳа, ўшанда ёшлар газетасида муҳаббат мавзусидаги “Қарайсан” деган шеърим босилган

эди. Синфдошларим қўлма-қўл қилиб ўқиб, “Уми, ким экан сенга “тикилиб-тикилиб”, “ўкиниб-ўкиниб” қараган йигит?”, — деб кулишарди. Аммо, газетани бири олиб, бири қўйиб, менга беришмасди. Роза опамнинг дарсида шартта ўрнимдан турдим-да, пиқирлашиб, пичирлашиб ўқийётган ўша газетани синфдошларим қўлидан жаҳл билан тортиб олдим. Роза опам сергак тортди. Дарс дарса қолиб, менга “Қандай ҳаддинг сизги дарсимни бузишга! Чик, кўзимга кўринмай”, — деб қалтираб бақриб қолди. Мен ялиндим, ёлвордим, гапни тушунтироқчи бўлдим, аммо бўлмади. Хуллас, дарсдан чиқиб кетдим.

Буни қарангки, орадан анча йиллар ўтиб, катта бошини кичик қилиб кечирим сўрагани келибди, азиз устоз! Аслида айб мендан ўтганди...

Шу-шу, қулоқларим остида “Мени кечи-ир”, деб турган ўша овоз янграйверди...

Бейхитёр мен кимдан кечирим сўрашим керак?

Кимнинг кўнглини оғритиб, қалбига ранж-алам солдим?, — деб ўйлаб қоламан.

Мени кечиринг, азизларим!..
Умида АБДУАЗИМОВА

Митти хикоялар

Артмия

Кечаси билан юрагим безовта қилиб чиқди. Эрталабданоқ тажрибали терапевт акаимизга учрадим. У кардиограммани кўриб деди: “Артмия бор. Сизни яхши кардиологга юбораман. Айтганига амал қилсангиз, яшаб юраверасиз”.

Ҳеч қанча ўтмасдан терапевт акаимиз вафот этиб қолди. Унинг фотиҳасида ўша кардиолог дўхтирга аста қараган эдим, “Эскитдан артмияси бор эди”, деса бўладими.

Хўкиз ва авария

— Раис бува, мана нархоз ҳам тарқади, мени танияпсизми? Мен ўша муллабуванинг ўғли Норалиман.

— Қани сал эгилчи, ўша Норли боламисан?

— Ҳа, раис бува, менман.

— Шопир омонни, ишқилиб?

— Омон, раис бува.

— Таниб, билиб туриб, менга шунчалик қараганинга балли.

Палатага кириб келганимда, раис гипсланмаган чап қўли билан унинг пешонасини аста силар, “Мени кечир, мени кечир” деганича пиқиллаб турарди... ва бу бежиз эмасди.

Уруш йиллари муллабува омон билан ер ҳайдарди, унинг пешонасида катта қизғиш доғи бор Норали деган ўн-ўн икки ёшлардаги ўғли

ҳорғин хўкизларни тизгинидан тортиб юрарди.

Бир кунни нима бўлиб, хўкизлардан биттаси колхознинг кўм-кўк бедазорига кириб кетади ва бедани кўп еб, шишиб ўлади.

Отини чоптириб етиб келган раис: “Сен мулла, буни атайин қилгансан, эртагаёқ Нор ўғлингга қўшиб қаматаман”, деб дағ-дага қилганича ота-болани савалай кетади.

Муллабува ўша кунни тундаёқ оиласи билан қишлоқдан чиқиб кетади ва бориб-бориб Мирзачўлда кўнмин топади. Норали шу ердаги мактабни битирганидан кейин Тошкент тиббиёт олийгоҳини тугатиб, травматолог-ортопед бўлиб етишади.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор.

Бошқа бош...

Ўғли دادасига:

— Дада, менга бошқа бош олиб беринг?

— Нима учун?

— Ўқитувчим сенинг бошинг ишламайди, — деяпти-да.

Бўзага ўт

“Ароқ, винолар нархи банд, яхшиси бўзага ўт”, дебди, Салим пиёнга бўзахўр дўсти ва бир кунни уни бўзахонага олиб борибди. Чеккаси учган косада бўза узатибди. Салим пиён косани олиб қараса, бўза ичида оёқларини кўтариб тарақан ётган эмиш. Ажабланган Салим пиён бўзачидан сўрабди:

— Бўза ҳам маст қиладимиз?

— Бўза маст қилмайди, — жавоб берибди бўзачи.

— Унда нега тарақан маст бўлиб ўзини билмай ётибди?

— Тарақан биринчи марта бўза ичган бўлса керак-да, — деб жавоб берган экан бўзачи.

Ашурали БАБАКУЛОВ,
меҳнат фахрийси.

Реклама



ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Махсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

“Ўзагротексаноатколдинг” акциядорлик жамияти тизимидаги

“ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ”

акциядорлик жамияти

қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.



Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси 434-й.

Мулжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71)264-06-12, (71)264-77-48. Info@TZST.uz.

Махсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

Тел: (99) 844 29 03 (90) 948 24 00
(93) 552 24 00 (93) 548 24 00

alfa milk
everything for livestock farmers



“Alfa Milk” компанияси Германия, Австрия, Голландия, Чехия, Эстония, Украина давлатларидан насли қора молларни (сут ва гўшт йўналишида) буюртма асосида етказиб беради. (Камида 1 фура-33 бошгача) Шунингдек, фермерлар учун мобил соғиш аппаратлари, соғим заллари, танк охладителлар, миксерлар олиб келиб, ўрнатиб беради.



www.alfamilk.uz

Манзил: Тошкент ш. Бектемир пост.

Хизматлар лицензияланган.

ТОГЛАР МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

- Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф (Б) бульдозер
 - Бульдозер-погрузчик БЛ-750
 - Занжирли экскаватор-погрузчик ЗП-Ф
 - Асфальторез
 - Подъемник БЛ-09
 - “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
 - “Беларусь” тракторлари эҳтиёт-қислари
 - Турли моделдаги шиналар



Махсулотлар сертификатланган.

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Тошкент ш. Миробит т. ТСРҲ томонидан 2005.9.31 октябрда 001509-04 давлат рақами билан рўйхатдан ўтган (уювчиси 001509) (СТИР 205868670) Тошкент ш. М. Улуғбек т. Олтин т. кўчаси 189 б-ўйда жойлашган “КОММУНАЛ ТАМИРЛАШ ВЕГА” МЧК ишторчиликларини 2019.9.9 декабрдаги қарорига асосан ўз устав фондини 861 843 982.00 сўмдан 1 000 000.00 сўмгача камайтирди.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
тарихидаги ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона — 236-26-50, Котибиёт — 236-26-47, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Иجتимой-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

Андижон — (+99893) 630-73-03,
Бухоро — (+99891) 401-29-59,
Жиззах — (+99893) 940-10-78,
Навоий — (+99891) 332-50-89,
Наманган — (+99893) 948-53-88,
Фарғона — (+99890) 407-76-03,
Самарқанд — (+99893) 349-54-39,
Сирдарё — (+99894) 168-23-60,
Сурхондарё — (+99890) 520-20-05,
Тошкент — (+99890) 976-38-58,
Хоразм — (+99897) 790-47-61,
Қашқадарё — (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда

№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-1225, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририятининг ўзидан компьютерда терилди ва

дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

3 599 нусхада чоп этилди.

НАШ ИНДЕКСИ — 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 23.50

ISSN 2010-7021



9 772010 702007

Навбатчи муҳаррир:

А.ҲАҚБЕРДИЕВ